



Савол:

Ассаламу алайкум ҳурматли устозлар. Оллоҳга ҳамду санолар бўлсин ва унинг элчиси охирги Пайгамбар бўлган Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга салавотлар бўлсин. Тунов куни кечқурин бир биродарим билан қабристон олдидан ўтиб кетаётган эдик у дуо қилди ва мен айтдим биродар кечаси қабристон олдидан ўтаётганда дуо қилинмайди десам у йўқ, дуо қилса бўлади сен билмайсан деди. Ва у : сенга ким айтди деди мен эса унга айтдим: мен кекса одамлардан ва домлалардан эшитганман десам, улар илимсиз кишилар экан, бу сўзлари бидъат деди. Шу масалага сизлардан тўғри жавоб олиш мақсадида сизларга мурожат қилмоқдаман. Безовта қилганим учун узр.

Жавоб:

Ва алайкум ассалом. Ҳурматли биродар, дуони ҳар вақт қилинса бўлаверади. Балки кечкурунги дуо қабул бўлишга яқинроқ. Чунки тунда одамнинг кўнгли Аллоҳга яқинроқ, риёдан ҳолироқ ва Аллоҳ ҳам бандага яқинроқ бўлади. Бунда ҳамма дуо бирдек, уларнинг ҳаққига дуо уйда қилинадими қабристон олдида қилинадими, фарқи йўқ, бўлаверади. Бўлмайди деган одам Қуръон ёки суннатдан далил келтириши керак. Биз эса бўлади деяпмиз, чунки Аллоҳ ҳам пайғамбаримиз ҳам тунда қилманглар ёки фалон пайтда қилиб фалон пайтда қилманглар демаганлар, балки мутлақ дуога буюрганлар. Аллоҳ таоло деди: **«Бандаларим Сиздан (эй Муҳаммад) Мен ҳақимда сўрасалар. Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуогўйларнинг дуосини ижобат қиламан.»** (Бақара: 186) Оятда **“дуо қилган пайтларида дуогўйларнинг дуосини ижобат қиламан”** деб унинг вақтини белгиламади. Баъзи дуолар бор-



ки уларнинг ўз ўрни ва вақти бўлади, ундан бошқасида айтиш тўғри эмас. Бу дуоларни билиш учун саҳифамиздаги дуолар бўлимига қаралса яхши бўлади. Масалан, хожатхонага киришдаги дуони овқатдан аввал айтиш ва бунинг акси ҳам бўлмайди. Ёки аёлига қўшилаётганда айтиладиган дуони уйдан чиқаётганда айтмайди ва ҳоказо..